

“AVIASOZLAR DEHQON BOZORI”
aksiyadorlik jamiyati aksiyadorlarining navbatdagi umumiy yigiliш
Б А Ё Н Идан кўчирма

аксиядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой:
2021 йил 9 март, соат 11-00, Тошкент шаҳри, Яшнообод тумани, Бешарик кўчаси-1 уй (жамият маъмурий биноси);

жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони:

14 358 333 дона;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони:

14 337 408 дона;

Акциядорларнинг умумий йиғилишида 14 337 408 овозга эга 13 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 99,85% ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари Департаменти” бошлиғи ўринбосари Ганиев Дилмурод Иркинович қатнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Ганиев Д.И. - “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари Департаменти” бошлиғи ўринбосари

Камолов Т.К. – Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси

Ш.Куванов– “AVIASOZLAR DEHQON BOZORI” АЖ директори

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

А.Юсупов

Йиғилиш саноқ ҳайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:

А.А.Юсупов, Д.Б.Хамидова ва У.Т.Хужабоев

Йиғилишга жамият кузатув кенгаши раиси Д.Ганиев раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

2. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-ҳўжсалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш;

3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосалари;

4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

5. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

6. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси»ни тасдиқлаш;
7. Жамият директори билан тузилган шартнома муддатини узайтириш;
8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш;
9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш;
10. Жамиятда ўтказилган Корпоротив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;
11. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш;
12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш;
13. Жамият Устав фондини камайтириш;
14. Жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш;
15. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;
16. Жамият томонидан мол-мулкни бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида.

Йиғилиш регламенти куйидагича тасдиқланди:

1. Биринчи масала юзасидан- 10 мин	9. Тўққизинчи масала юзасидан- 3 мин
2. Иккинчи масала юзасидан- 3 мин	10. Ўнинчи масала юзасидан- 3 мин
3. Учинчи масала юзасидан- 3 мин	11. Ўн биринчи масала юзасидан- 3 мин
4. Тўрттинчи масала юзасидан- 5 мин	12. Ўн иккинчи масала юзасидан- 5 мин
5. Бешинчи масала юзасидан- 5 мин	13. Ўн учинчи масала юзасидан- 3 мин
6. Олтинчи масала юзасидан- 5 мин	14. Ўн тўрттинчи масала юзасидан- 3 мин
7. Еттинчи масала юзасидан- 5 мин	15. Ўн бешинчи масала юзасидан- 3 мин
8. Саккизинчи масала юзасидан-3 мин	16. Ўн олтинчи масала юзасидан- 10 мин

Сўзга чикувчиларга 3-5 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича жамият директори Ш.Қувановнинг ҳисоботи тингланди.

Жамият раҳбари Ш.Қуванов сўзга чиқиб, 2020 йил фаолияти якуни ижроия органи ва кузатув кенгаши билан ҳамкорликда, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини берди.

Жамият раҳбари ўз ҳисоботида куйидагиларни айтиб ўтди:

«Авиасозлар деҳқон бозори» акциядорлик жамияти ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ -1326 сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарорлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бозорлар фаолиятига таълуқли бўлган қарор ва кўрсатмалари асосида олиб борди. Жамият ўзининг устивор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бозор ҳудудида сотувчи ва тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратиш, бозор ҳудудида санитар-техник ҳолатни яхшилаш билан бирга долзарб масалалардан бўлган аҳолини арзон ва сифатли қишлоқ-хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш бозор фаолиятини тартибга солиш, сотувчи ва харидорларга қулай шар шарт-шароитлар яратиш, санитария ҳолатларни яхшилаш, ободонлаштириш в

исътемомл товарлари чакана савдосини тартибга солиш, бўйича амалга ошириладиган чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланиб, 2020 йил давомида тегишли ишлар амалга оширилди.

- Бозорнинг “Цум-Хамза” биносинг ички қисми ҳамда ён атрофлари йиллар давомида йиғилиб қолган қурилиш ва маъиший чиқиндилар тозаланиб, ҳудуд ободонлаштирилди. Мазкур ҳудуддаги ирригация тармоқлари тозаланиб, автомобиллар турар жойларига ётиқ чизиклар чизилди, ёритиш тизимидаги ишдан чиққан чироқлар янгисига алмаштирилди, автомобилларни юриш йўлакларини доимий очиқ ҳолда бўлиши, барча хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши таъминланди ва видео кузатув камералари ўрнатилди. Асосий бозор ҳудудида жойлашган жамият тасарруфидаги автотураргоҳга автомобилларни кириш ва чиқиш вақтини қайд этиб турадиган электрон ҳисоблагичлар ва автомашиналарнинг давлат рақамини фиксация қилувчи веб камералар ўрнатилди;

- Мавжуд савдо расталари оралиғидаги ортиқча буюмлар чиқариб ташланди ва таг қисмлари оқланиб, савдо ўринлари инвентаризациядан ўтказилиб, қайта рақамланди;

- Бозорлар фаолиятини талаб даражасида тўғри ташкил этиш мақсадида ҳар куни эрталаб соат 7-00да иш бошланиб кеч соат 19-00 га қадар жойига чиқиб, бозорнинг санитар ҳолати ҳамда у ерда яратилган шароитларни мунтазам ўрганилди ва камчиликлар жойида бартараф этилди;

- Бозор ҳудудида ва умумий овқатланиш, савдо тармоқларида сотилаётган озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик, чорвачилик маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича санитария ҳамда ветеринария-санитария назорати кучайтирилди, ҳар бир маҳсулотнинг сифатини истеъмолга яроқлигини кафолатловчи ҳужжатларисиз савдо қилувчи тадбиркорларни савдоси тақиқланди;

- Сотувчилар электрон тарозилар билан босқичма-босқич таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

-Сотилаётган чорвачилик, паррандачилик ва баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (салатлар ва бошқалар) ветеринария-санитария лабораториясининг таҳлилидан ўтказмасдан савдога қўймаслик чоралари кўрилди;

- Уй шароитида тайёрланган таомлар, салқин ичимликлар, кремли қандолат маҳсулотлари консервалар ва кўзиқоринларни давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг рухсатисиз сотилиши қатъий таъқиқланди ва назоратга олинди;

- Аниқ жадвал асосида кундалик тозалаш ишлари ташкил этилди ва чиқиндиларни йиғилиб қолишига йўл қўймаслик чоралари кўрилди;

- Мавжуд савдо ўринлари учун ўрнатилган тартибда патта тўловлари тўғридан-тўғри банк тизимида кириш қилиниши таъминланди ва доимий назоратга олинди;

- Жамият қошида ташкил этилган “Элга хизмат Авиасоз” МЧЖ корхонаси 2019 йилдан 56,0 млн сўм мавжуд бўлган Дебиторлик қарздорлиги бартараф қилинди.

- Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган арзонлаштирилган озиқ-овқат савдо ярмаркаси савдо расталарида писта ёғи, шакар, картошка, пиёз, тирик балиқ келтириб, арзонлаштирилган нархларда сотилди.

- 2020 йил “Пандемия” эълон қилинган кундан бошлаб бозорнинг аҳоли учун қулай жойларида савдо ярмаркалари ташкил этилиб, арзонлаштирилган нархларда қишлоқ-хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини бозор маъмурияти ходимлари билан биргаликда олиб келиниб, назоратчилар, ишчи- ходимлар иштирокида сотилиши ташкиллаштирилди.

- Худудларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ёнғинни олдиндан сезувчи мосламаларни ва шунингдек бозор ҳудудига ўрнатилган 50 та “Паркент” шаҳобчаси ҳудудига ўрнатилган 3 та видео камераларни доимий ишлаши операторлар томонидан назоратга олинди. Бундан ташқари ҳудуддаги савдо дўконларидаги видео камераларни ва ёнғинни олдиндан сезувчи мосламаларни доимий ишлаши назоратга олинди. Мавжуд 12 та ёнғин ўчириш қалқонлари керакли анжомлар билан жиҳозланди. Иссиқ ва совуқ кунларда электр энергиясидан тежамкорлик асосида фойдаланиш, тунги вақтларда электр воситаларини ва ортикча совутгичларни ўчириш, об-хавонинг иссиқ ва совуқ бўлиши билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган фавқулотда вазиятларни олдини олиш, носоз электр жиҳозларидан фойдаланмаслик, хавфсизлик талабларига риоя этиш мавзуларида бозор радио тармоғи орқали эшиттиришлар мунтазам бериб борилди.

- Жамият «Бизнес режаси»нинг асосий кисми даромадлар ва харажатлар сметасидан ташкил топган бўлиб, унинг бажарилиши қуйидаги кўринишда ўз аксини топди: Ижара ҳақи режаси 2272104.0 минг сўм, амалда 2388899.0 минг сўм, режага нисбатан 116795.0 минг сўмга кўп бажарилди. Жой ҳақи режаси 2243974.0 минг сўм, амалда 2225682.0 минг сўм, режага нисбатан 18292.0 минг сўмга кам бажарилди. Хизмат ҳақи режаси 859958.0 минг сўм, амалда 848505.0 минг сўм, режага нисбатан 11453.0 минг сўмга кам бажарилди. Жамиятнинг бошқа даромадлари амалда 3748.0 минг сўмга бажарилди. Соф фойда режаси 1166826.0 минг сўм, амалда 971730.0 минг сўм, режага нисбатан 195096.0 минг сўмга кам бажарилди.

- Жамиятнинг 2020 йилга режалаштирилган харажатлар режаси 3778253.0 минг сўм, амалда 4176058.0 минг сўм, режага нисбатан 397805.0 минг сўм кўп харажат қилинди.

Жамиятнинг даромад ва харажатлар смета режасини бажарилмай қолишига 2020 йил “Пандемия” чекловлари сабабли ҳамда “Янгиобод” шаҳобчасида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилганлиги сабабли бажарилмай қолди.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207- сон қарори иловасининг 37-бандига асосан кўрсаткичлар СЙК (КПЭ) бўйича жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари 88.0 % ташкил этди

- Жамият раҳбарияти ва ишчи ходимлари ҳукуматимиз раҳбарияти, ҳокимликлар томонидан чиқарилган қарорлар асосида ўз иш фаолиятини давом эттиради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича “Осиё-Аудит” томонидан миллий стандартларга кўра ўтказилган аудиторлик текширувлари

натижалари билан таништириш учун сўз ушбу аудиторлик вакилига берилди. Аудитор вакили сўзга чиқиб, жамиятда аудиторлик текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилигига мувофиқ келиши ҳақида ҳисобот берди ва 2021 йил 24 февралда ижобий хулоса берилгани ҳақида маълумот берди.

Акциядорлар томонидан аудиторлик текширувида қандай камчиликлар аниқланганлиги, уларни бартараф этилиши бўйича саволлар бўлди.

Аудитор томонидан ҳужжатларни расмийлаштиришда айрим камчиликлар бўлгани ва ушбу камчиликларни тўғрилаб, берилган таклиф ва тавсияларга кўра жамият ҳужжатлари тўғрилангани тўғрисида маълумот берилди (*аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси хулосаси билан жамият бош муҳосиби таништирди ва ушбу хулосада жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга ҳамда жамият ташқи аудиторлари ижобий аудиторлик хулосасига асосланиб:

- Адлия вазирлиги томонидан 17.12.1998 йилда 565-сон билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари», пул маблағларини ҳисобга олишни тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинганлиги.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.1999 йилги «Меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоб китобларни ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан министрликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бузиш ҳоллари аниқланмаганлиги;

- Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг 21.12.2004 йилги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни талаблари бажарилмокда. Жамиятда асосий иш жой Жамият ҳисобида ишловчиларнинг барчасига Халқ банки бўлимида пенсия дафтарчалари очилиб, Халқ банкига ҳар ойда маблағлар ўтказиб келинаётганлиги;

- Тафтиш комиссия аъзолари аудитор текшируви хулосаларига таяниб, жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолиятининг даромадлар ва харажатлар ҳисоботи ва балансидаги маълумотларининг ҳаққонийлиги тасдиқланганлигини;

- 2020 йил давомида аффилланган шахслар билан йирик битимлар тузилмаганлигини ҳақида маълум қилди (*тафтиш ҳайъатининг хулосаси илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Г.Ибрагимова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2020 йил якуний баланси бўйича ахборот берди.

Жумладан,

Бухгалтерия баланси (минг.сўмда)

АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий воситалар	8 208 176,85	Устав капитали	1 080 000,0
Узоқ муддатли инвестициялар	11 807,5	Резерв капитали	2 223 610,7
Товар моддий захиралари	47 586,6	Таксимланмаган соф фойда	381 886,3
Дебиторлик қарзлари	1 333 680,7	Жорий кредиторлик қарзлар	5 959 456,5
Пул маблағлари	43 701,9		
ЖАМИ	9 644 953,5	ЖАМИ	9 644 953,5
		СОФ ФОЙДА	971730,0

Раислик қилувчи қўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Г.Ибрагимова сўзга чиқиб, жамиятда 2020 йил якунлари бўйича 971.730,0 минг сўм соф фойда олинганлигини маълум қилиб, 01.01.2021 йил ҳолатига ва бугунги кунда жамиятнинг қарздорлиги 6,0 млрд сўмга яқин эканлиги, шу жумладан солиқлардан, коммунал ташкилотлардан қарздорликлар мавжудлиги, бу қарздорликлар 2013 йилдан буён мавжудлиги, жамиятнинг ҳисоб рақами К-2 да эканлигини билдирди. Шунингдек, Г.Ибрагимова ўз сўзида ушбуларни инобатга олиб, бухгалтерия баланснинг 450 сатрида қопланган зарардан қолган 381.886,3 минг сўм соф фойдани 5% қисмини (19.094.315 сўм) жамиятнинг захира жамғармасига ва қолган 95% (362.791.985 сўм) қисмини жамиятнинг зарарларини қоплашга, жамиятнинг тўлов қобилиятини тиклашга қолдиришни таклиф киритди ҳамда бу таклиф Кузатув кенгашида маъқулланганлигини билдирди.

Йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият директори Ш.Қуванов ва бош бухгалтери Г.Ибрагимовалар сўзга чиқишиб, жамиятнинг 2021 йилга режалаштирилган “Бизнес-режаси” ҳамда “2021 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди ва қуйидагиларни айтиб ўтди:

Жамият бош муҳосиби сўзга чиқиб, жамият 2021 йилда 8395852,0 минг сўм даромад режалаштириб, 1718988,0 минг сўм соф фойда олишни режалаштирган ва бошқа смета кўрсаткичлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Мазкур масала бўйича жамият раҳбари қўшимча равишда ўз фикрини билдириб, жамиятнинг “Янгиобод”, “Паркент”, “Гулбоғ”, “Шумилов” ва “Мухтор Ашрафий” шаҳобчалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январ кунидаги 34-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК ўтказилиш назарда тутилаётганлиги сабабли, жамиятнинг даромадларига таъсир кўрсатиши, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 26 апрелдаги 1326-сонли қарори талаблари, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг тегишли бандлари талаблари ва бошқа ҳужжатларни белгиланган талабларга мослигини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлигини билдирди.

Шунингдек, жамият раҳбари жамият даромадларини ошириш мақсадида 2021 йилда жамият ҳудудининг буш жойларидан ва фойдаланилмаётган қисмидан унумли фойдаланиш мақсадида савдо объектлари куриш, тадбиркорлар ва харидорларга қўшимча қулайликлар яратиш, жамиятнинг ходимлари ойликларини босқичма-босқич ошириш, қарздорлик бўйича тегишли ишлар олиб бориб, уни бартараф этиш чораларини кўриш, пул тушумларини ошириш бўйича

кескин чоралар кўриш, бозор ҳудудидаги ноқонуний қурилмаларни Фуқаролик кодексининг 191-моддаси талабларидан келиб чиқиб, эгасиз ашё деб топиб, бозор балансига расмийлаштириш чораларини кўриш ва бошқа амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар ҳақида фикр билдирди.

1.7. Еттинчи масала мажлис раиси Д.Ганиев сўзга чиқиб, жамият директори Ш.Қувановнинг 2020 йилдаги фаолияти Кузатув кенгаши томонидан ижобий хулоса берилганлиги, 2020 йилда эришилган натижалардан ва бажарилган ишлардан келиб чиқиб, унинг меҳнат шартномаси муддатини 2021 йил якуни бўйича акциядорлар умумий йиғилишига қадар узайтиришни таклиф этди.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи** масалага ўтиб, 2020 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи** масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўнинчи** масала юзасидан жамиятда Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун <https://exarid.uzex.uz/> сайтида ўрнатилган тартибда эълон жойлаштирилганлиги, ушбу эълонга асосан “Осиё-Аудит” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг таклифи кенгаш томонидан маъқулланганлигини айтиди ва “Осиё-Аудит” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ишлари юзасидан тайёрланган маълумот билан таништириш учун сўзни И.Қодировга сўз берди.

И.Қодиров сўзга чиқиб, жамиятда Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш “Осиё-Аудит” МЧЖ томонидан ўтказилганлигини, “Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра “Авиасозлар деҳқон бозори” АЖ 487 балл йиғиб, унга “қоникарли” баҳо берилганлигини, фоиз жиҳатидаги якуний баҳоси 40,58 % ташкил этганини айтиб ўтди ва йиғилиш қатнашчиларини хулоса билан таништирди (*жамиятни Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш бўйича хулосаси ва ҳисобот илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн биринчи** масала юзасидан жамият муҳосиби Г.Ибрагимова сўзга чиқиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамиятда ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувида жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан халқаро стандартларга кўра аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича <https://exarid.uzex.uz/> сайтида ўрнатилган тартибда эълон жойлаштирилганлиги, ушбу эълонга асосан қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтиб ўтди:

1. “XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ - 7 500 000 сўм
2. “IQTIDOR-AUDIT-INFORM” МЧЖ - 6 500 000 сўм

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи** масала бўйича жамиятнинг кадрлар бўйича масъул ходими сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасида бўладиган ўзгаришлар лойиҳаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништириб ўтди.

Ушбу масала бўйича ҳеч кимда савол бўлмаганлиги боис, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн учинчи** масала бўйича жамият мутахассиси А.Юсупов сўзга чиқиб қуйидагиларни айтиб ўтди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарорида Тошкент шаҳридаги бошқа деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари билан бир қаторда “Авиасозлар деҳқон бозори” АЖнинг ҳам шаҳобчаларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга берилиши ҳисобига жамиятдаги давлат улушини (ҳокимият улушини) ушбу шаҳобчаларнинг баланс қиймати суммасига камайтириш белгилаб қўйилган.

Шу мақсадда тегишли мутахассислар билан биргаликда жамиятнинг устав фондида шаҳобчаларни берилиши ҳисобига ҳокимият улушини камайтириш юзасидан ҳисоб китоблар босқичи ишлаб чиқилди.

I босқич

Жамиятнинг **охирги баланс маълумотлари** (01.01.2021) га кўра:

- жамиятнинг жами активлари 9 644 953 500 сўм, **шундан** жами 5 та шаҳобчаларни қиймати 1 216 582 285 сўм;

- устав фонди 1 080 000 000 сўм, 1 дона акциянинг номинал қиймати 1 200 сўм, жами акциялар сони 900 000 дона бўлиб, **шундан** ҳокимият улуши 958 394 400 сўм, 798 662 дона акция;

Шунда 1 дона акциянинг жами активларга нисбати 10716,615 (9 644 953 500 / 900 000) сўмлиги инобатга олинса, жами филиалларнинг қиймати 113 523,000 (1 216 582 285 / 10 716,615) дона акцияга тўғри келади.

Бу ҳолатда ҳокимиятнинг акциялари 113 523 донага камайиб, қолган акциялар сони 685 139 (798 662-113 523) тани ташкил этади.

II босқич.

09.03.2021 йил ҳолатига жамиятнинг устав фонди 17 229 999 600 сўм бўлиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1200 сўмдан бўлган 14 358 333 дона акциядан иборат;

Жамият устав фондининг оширилиши Кузатув кенгашининг 2021 йил 11 февралдаги қарори билан оширилган бўлиб, бунда қўшимча чиқарилган 13 458 333 дона акциянинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июлдаги 338-Ф-сонли Фармойишига асосан давлат улуши этиб жойлаштирилган. Яъни, жамиятнинг “Янгиобод” шаҳобчасидаги қурилиш ва таъмирлаш ишларига давлат томонидан ажратилган 16 150 00 123 сўм маблағ ҳисобига қўшимча чиқарилган 13 458 333 дона акцияларнинг барчаси расмийлаштириб берилган.

Шу сабабли, “Янгиобод” шаҳобчасини ҳокимиятга берилишида унинг таъмирланишига кетган 16 150 000 123 сўм маблағ ҳисобига чиқарилган 13 458

333 дона акциялар ҳам ҳокимият улушини камайтириш ҳисобига амалга оширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамиятнинг “Янгиобод”, “Паркент”, “Уйсозлар”, “Шумилова” ва “Гулбоғ” шаҳобчаларини давлатга топширилиши натижасида жамиятнинг устав капитали номинал қиймати 1200 сўм бўлган 13 571 856 (113 523+13 458 333) дона акцияларга (16 286 227 200 сўмга) камайтирилиб, янги устав фонд 786 477 дона акциядан ёки 943 772 400 сўмдан иборат бўлади.

Шунда давлат улуши 685 139 дона акция, қолган акциядорлар улуши 101 338 дона акциялардан иборат бўлади.

Бу ҳолатда жамиятнинг устав фонди 13 571 856 дона акциялар ёки 16 286 227 200 сўмга камайтирилиб, янги устав фонд 786 477 дона акциядан ёки 943 772 400 сўмдан иборат бўлади.

Кун тартибидаги **ўн тўртинчи** масала бўйича жамият мутахассиси А.Юсупов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарори ижросини бажариш мақсадида жамиятнинг шаҳобчаларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга берилиши ҳисобига жамиятдаги давлат улушини (ҳокимият улушини) ушбу шаҳобчаларнинг баланс қиймати суммасига камайтириш зарурлиги, бунинг учун жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш юзасидан тегишли ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2009 йил 30 августдаги 2000-сон билан рўйхатга олинган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш” қоидалари талаблари асосида ишлаб чиқилганлигини билдирди.

А.Юсупов ўз сўзида “AVIASOZLAR DEHQON BOZORI” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Q0053-7 рақам билан рўйхатдан ўтказилган акциялар қўшимча чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартиришлар ва қўшимчалар матни билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Ушбу масала бўйича қисқача саволлар бўлди ва бошқа саволлар бўлмаганлиги боис, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн бешинчи** масала бўйича жамият мутахассиси А.Юсупов сўзга чиқиб, жамиятнинг устав фонди камайиши муносабати билан жамиятнинг уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозимлигидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори, 1-илоvasи 21 бандида таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ушбу Низом 12-бандининг еттинчи хатбошида назарда тутилган ҳуқуқни инобатга олган ҳолда таъсис ҳужжатларни янги таҳрирда қабул қилиш йўли билан амалга оширилади деб белгиланганлигидан келиб чиқиб, жамият томонидан ишлаб чиқилган жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Ушбу масала бўйича қисқача саволлар бўлди ва бошқа саволлар бўлмаганлиги боис, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича жамият мутахассиси А.Юсупов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарори ижросини бажариш мақсадида жамиятнинг “Янгиобод”, “Паркент”, “Уйсозлар”, “Шумилова” ва “Гулбоғ” шаҳобчаларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга берилишида мулк қийматидан келиб чиқиб, ушбу битим йирик битим эканлиги, шу сабабли, йирик битимни амалга оширишда қонунчилик талабларига асосан бир қатор ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини билдирди.

Хусусан, мустақил баҳоловчи “Тошкент вилояти баҳолаш ва консалтинг маркази” МЧЖ томонидан жамиятнинг мулклари баҳолатилди ва 1 дона жамиятнинг акцияларини қиймати бозор баҳоси 6967,78 сўмни ташкил этиши инобатга олинди.

Шундан келиб чиқиб, жамият акциядорларига жамиятнинг филиалларини бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим тузилаётганлиги боис, уларда ўз акцияларини жамиятга қайтариб сотиш ҳуқуқи мавжудлиги, 1 дона акциянинг бозор қиймати 6967,78 сўмлиги, агар бу ҳуқуқдан фойдаланмоқчи бўлса ўзига тегишли акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги ёзма талабини яшаш жойини (жойлашган ери) ва қайтариб сотиб олишни талаб қилаётган акцияларни сонини ёзма равишда кўрсатган ҳолда 2021 йил 9 мартдаги умумий йиғилишнинг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмасдан жамиятга тақдим этиши лозимлиги, жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтириладиган маблағларнинг умумий суммаси жамият соф активларининг ўн фоизидан ошиб кетса қайтариб сотиб олишни талаб қилган акциядорлардан акциялар мутаносиб равишда қайтариб сотиб олиниши, акцияларни акциядорлардан сотиб олиш ҳуқуқи акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан йирик битим тўғрисидаги масала бўйича қарор қабул қилишда, улар ушбу масалага қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзингизга тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақли эканлиги маълум қилинган.

Мажлис раиси ушбу тартибни йиғилиш қатнашчиларига яна бир бор эслатиб ўтди ва савол жавоблардан сўнг, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санок ҳайъати йиғилиш қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

1-масала		2-масала		3-масала	
Ёклаган	14 337 408 –100 %	Ёклаган	14 337 408 –100 %	Ёклаган	14 337 408 –100 %
Қарши	0 –0%	Қарши	0 –0%	Қарши	0 –0%
Бетараф	0 –0%	Бетараф	0 –0%	Бетараф	0 –0%
4-масала		5-масала		6-масала	
Ёклаган	14 337 408 –100 %	Ёклаган	14 337 408 –100 %	Ёклаган	14 337 408 –100 %
Қарши	0 –0%	Қарши	0 –0%	Қарши	0 –0%
Бетараф	0 –0%	Бетараф	0 –0%	Бетараф	0 –0%
7 масала		8-масала			

Ёклаган 14 337 408 –100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%	8.1. Ганиев Дилмурод Иркинович 14 337 408 та овоз 8.2. Ирматов Мурад Абдукаххарович 14 337 408 та овоз 8.3. Акбарходжаев Лазизхон Турапович 14 337 408 та овоз 8.4. Тошхўжаев Жавдатхўжа Махамадхўжаевич 14 337 408 та овоз 8.5. Каримов Малик Рахимович 14 337 408 та овоз 8.6. Каримов Сардор Юлдашбаевич 14 337 408 та овоз 8.7. Умаров Арслан Аблаатович 14 337 408 та овоз	
9.1-масала Ёклаган 14 337 408 –100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%	9.1-масала Ёклаган 14 337 408 –100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%	9.2.-масала Ёклаган 14 337 408 –100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%
10-масала Ёклаган 14 337 408 –100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%	11-масала Ёклаган 14 337 408 –100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%	12. -масала Ёклаган 14 337 408 –100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%
13. -масала Ёклаган 14 337 408 –100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%	14. -масала Ёклаган 14 337 408 –100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%	15. -масала Ёклаган 14 337 408 –100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%
16. -масала Ёклаган 80413 –100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%		

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Саноқ ҳайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “Авиасозлар деҳқон бозори” акциядорлик жамияти ижроия органи ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин (ёклаган 14 337 408 -100 %, қарши- 0-0%, бетараф 0-0%);

2. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан “Osiyo-audit” МЧЖнинг миллий стандартларга кўра ижобий аудиторлик текширувлари хулосалари инобатга олинсин (ёклаган 14 337 408 -100 %, қарши- 0-0%, бетараф 0-0%);

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2020 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёклаган 14 337 408 -100 %, қарши- 0-0%, бетараф 0-0%);

4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёклаган 14 337 408 -100 %, қарши- 0-0%, бетараф 0-0%);

5. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисобварағи тасдиқлансин. Бунда жамиятда 2020 йил якунлари бўйича 971.730,0 минг сўм соф фойда олинганлиги, 01.01.2021 йил ҳолатига ва бугунги кунда жамиятнинг қарздорлиги 6,0 млрд сўмга яқин эканлиги, шу жумладан солиқлардан, коммунал ташкилотлардан қарздорликлар мавжудлиги, бу қарздорликлар 2013 йилдан буён мавжудлиги, жамиятнинг ҳисоб рақами К-2 да эканлиги сабабли жамият бухгалтерия балансининг 450 сатрида қопланган

зарардан қолган 381.886,3 минг сўм соф фойдани 5% қисми яъни, 19.094.315 сўм жамиятнинг заҳира жамғармасига ва қолган 95% қисми, яъни 362.791.985 сўм жамиятнинг зарарларини қоплашга, жамиятнинг тўлов қобилиятини тиклашга қолдирилсин (ёқлаган 14 337 408 -100 %, қарши- 0-0%, бетараф 0-0%);

6. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ, кейинчалик Кузатув кенгаши томонидан зарур ҳолларда ўзгартириш киритиш шарти билан тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин.

6.1. Жамият даромадларини ошириш мақсадида 2021 йилда жамият ҳудудининг буш жойларидан ва фойдаланилмаётган қисмидан унумли фойдаланиш мақсадида ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштирган ҳолда савдо объектлари қурилиши амалга оширилиши белгилаб қўйилсин;

6.2. Жамият ҳудудида тадбиркорлар ва харидорларга қўшимча қулайликлар яратиш ва жамиятнинг ходимлари ойликларини босқичма-босқич ошириш чоралари кўрилсин;

6.3. Қарздорликни бартараф этиш бўйича тегишли ишлар олиб борилиб, уни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотлардан зарур ҳужжатлар расмийлаштирилсин ва жамиятда пул тушумларини ошириш бўйича кескин чоралар кўрилсин;

6.4. Бозор ҳудудидаги ноқонуний қурилмаларни Фуқаролик кодексининг 191-моддаси талабларидан келиб чиқиб, суднинг қарори билан эгасиз ашё деб топиб, бозор балансига расмийлаштириш чораларини кўрилсин.

Ушбу масалага овоз бериш натижалари -ёқлаган 14 337 408 –100 % қарши- 0-0%, бетараф -0,0%)

7. Жамият директори Ш.Кувановнинг меҳнат шартномаси 2021 йил якуни бўйича акциядорлар умумий йиғилишига қадар узайтирилсин (ёқлаган 14 337 408 -100 %, қарши- 0-0%, бетараф 0-0%);

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

8.1. Ганиев Дилмурод Иркинович 14 337 408 та овоз

8.2. Ирмагов Мурад Абдукаххарович 14 337 408 та овоз

8.3. Акбарходжаев Лазизхон Турапович 14 337 408 та овоз

8.4. Тошхўжаев Жавдатхўжа Махамадхўжаевич 14 337 408 та овоз

8.5. Каримов Малик Рахимович 14 337 408 та овоз

8.6. Каримов Сардор Юлдашбаевич 14 337 408 та овоз

8.7. Умаров Арслан Аблаатович 14 337 408 та овоз

9. Тафтиш комиссиясига Г.Ибрагимова, А.Мирасулов ва Ж.Бойсиновлар сайлансин (ёқлаган 14 337 408 -100 %, қарши- 0-0%, бетараф 0-0%);

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини янада яхшилаш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин (ёқлаган 14 337 408 -100 %, қарши- 0-0%, бетараф 0-0%);

11. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилиши ва қайта тасдиқланиши тасдиқлансин (ёқлаган 14 337 408 -100 %, қарши- 0-0%, бетараф 0-0%);

12. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “Iqtidor-audit-inform” МЧЖ тасдиқлансин хизмат ҳақининг энг кўп миқдори 6,5 млн сўм этиб белгилансин (ёқлаган 14 337 408 -100 %, қарши- 0-0%, бетараф 0-0%);

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида жамиятнинг шаҳобчаларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга берилиши ҳисобига жамиятдаги давлат улуши (ҳокимият улуши)ни камайтириш юзасидан тайёрланган ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, жамиятдаги давлат улуши ушбу шаҳобчаларнинг баланс қиймати суммасига камайтирилсин.

13.1. Бунда жамиятнинг амалдаги ҳар бир акциясининг номинал қиймати 1200 сўм бўлган 14 358 333 дона акциядан иборат 17 229 999 600 сўмлик устав фонди 13 571 856 дона акцияларга ёки 16 286 227 200 сўмга камайтирилиб, янги устав фонд 786 477 дона акциядан ёки 943 772 400 сўмдан иборат қилиб тасдиқлансин.

13.2. Бу ҳолатда жамиятнинг устав фондида фақат ҳокимиятга тегишли ҳар бирининг номинал қиймати 1200 сўм бўлган 13 571 856 дона акцияларга ёки 16 286 227 200 сўмга камайтирилади;

13.3. Ушбу масала бўйича қабул қилинган умумий йиғилиш қарорига зарур ҳолатларда тузатиш киритиш ёки қайтадан ишлаб чиқиб ваколати жамият кузатувга кенгашига берилсин.

Ушбу масалага овоз бериш натижалари -ёқлаган 14 337 408 –100 % қарши- 0-0%, бетараф -0,0%)

14. Жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ҳамда ўзгартиришлар матни тасдиқлансин;

14.1. Ушбу масала бўйича қабул қилинган умумий йиғилиш қарорига зарур ҳолатларда тузатиш киритиш ёки қайтадан ишлаб чиқиб ваколати жамият кузатувга кенгашига берилсин.

Ушбу масалага овоз бериш натижалари -ёқлаган 14 337 408 –100 % қарши- 0-0%, бетараф -0,0%)

15. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин.

15.1. Ушбу масала бўйича қабул қилинган умумий йиғилиш қарорига зарур ҳолатларда тузатиш киритиш ёки қайтадан ишлаб чиқиб ваколати жамият кузатувга кенгашига берилсин.

Ушбу масалага овоз бериш натижалари -ёқлаган 14 337 408 –100 % қарши- 0-0%, бетараф -0,0%)

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарори ижросини бажариш мақсадида жамиятнинг “Янгиобод”, “Паркент”, “Уйсозлар”, “Шумилова” ва “Гулбоғ” шаҳобчаларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга берилиши, яъни жамият томонидан мол-мулкни бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим тузилиши тасдиқлансин.

16.1. Мазкур масалага мажлисда қатнашган акциядорлар томонидан қарши овоз берилмаганлиги инобатга олинсин ҳамда умумий йиғилишга узрли сабабларга кўра иштирок этмаган жамият акциядорлари томонидан ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисmini жамият томонидан қайтариб

сотиб олинишини белгиланган муддатларда талаб қилган ҳолларда уларнинг акциялари маблағлари ўрнатилган тартибда ва муддатларда қайтарилиши амалга оширилсин.

17. Мазкур йиғилиш қарори ижросини таъминлаш жамият ижроия органига юклатилсин.

Баённома имзоланган сана: “11” март 2021 йил.

Йиғилиш раиси



Д.Ганиев

Баённи олиб борди



А.Юсупов